



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2011-yil, 26-iyul. Seshanba 88 (31.364) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Албатта, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши керак.

Томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахраниш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин.



Ҳужжат имзоланди

Тошкент шаҳрида 25 июль куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида «Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш» лойиҳаси бўйича навбатдаги Алмашув ноталари имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, таълим йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Президент Ислоҳ Каримовнинг жорий йилнинг февраль ойида Японияга расмий таширифи ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиққани алоҳида қайд этилди.

Япония ҳукумати билан 1999 йилдан буён амалга ошириб келинаётган кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган.

Имзоланган навбатдаги ҳужжатга мувофиқ юртимиздан бир неча талаба ўз мутахассислиги бўйича Япониянинг нуфузли университетлари магистратура босқичида таҳсил олиши учун икки миллион олти юз минг АҚШ доллари миқдорига грант ажратилади.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арипов ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Эсихиса Курода имзолади.

(Ў.А)

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



Эътироф

Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий Хоразм замини, унинг гавҳари — Хива шаҳри менда бир умрлик ўчмас таассурот қолдирди. Айниқса, Ичан қалъадаги тош дарвоза, ҳайратомуз обидалар, сарбаланд минораю нилий гўмбазлар, маҳобатли карвонсаройлар... Буларни шунчаки ҳавас ёки сониялик завқ билан кузатиб бўлмайди. Хива обидаларидаги ҳар бир гиштининг ўз ҳикмати бордек туюлади. Уларни ҳижжалаб ўқининг, сир-синаотларини англагинг келади. Бу шаҳарни бир умр соғиниб яшасам керак».

Пьеро ЛЕМБИ, (Италия).

Муносабат

Ўз донимиз, ўз беминнат нонимиз...

Бу йил мамлакатимиз бободехқонлари 6 миллион 800 минг тонналик осмонпўпар хирмон бунёд этиб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиги билан бажардилар. Шу муносабат билан Президентимиз «Ўзбекистон галлакорларига» табрик йўллади. Бундай эътибордан, гамхўрликдан ушбу хирмонга ўз хиссасини қўшган барча-барчани қалби фахр-ифтихорга тўлди.

Ойбек НОРҚУЛОВ, Сарнисий туманидаги «Ҳайит-Али Боймуҳаммедов» фермер хўжалиги раҳбари:

— Бу йилги шароитда катта тажрибага эга бўлган деҳқонларимиз ўзини йўқотиб қўймади. Табиат инжиқликларини мардона меҳна-

ти, сабр-бардоши билан энгиб ўтди. Бизнинг фермер хўжалигимиз 2007 йил ташкил топган. Бугунги кунда 50 киши меҳнат қилади, йил охиригача яна 25 та янги иш ўринлари яратмоқчимиз.

(Давоми 2-бетда.)

Даромад ва фаровонлик калити

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Марказий банк ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказиб келаятган иқтисодий форум бу гал Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ташкил этилди.

Маҳаллаларда «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусидаги мазкур анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши эксперт-

лари, Марказий банк, «Микрокредитбанк» ОАТБ, тижорат банкларининг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассислари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гу-

руҳи, бошланғич ташкилотлар етакчилари, шунингдек, оилавий бизнес, касаначилик фаолиятини йўлга қўйиш ниятидаги ёшлар, аёллар иштирок этди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Аҳоли қўйи қатламининг даромад олиш имкониятларини кенгайтириш катта аҳамиятга эга. Буни ҳамон давом этаятган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари яққол кўрсатиб турибди. Шу боис, мамлакатимизда кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Чунки кичик бизнес, кичик ишлаб чиқариш рақобат шариғига тез мослашади, эҳтиёжга асосан йўналишини тез ўзгартира олади, маҳсулотларини бозор талабларига биноан диверсификация қилиш хусусиятига эга.

Шу маънода, иқтисодиётни ривожлантириш, кучли ижтимоий сиёсат олиб боришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ниҳоятда муҳим-

дир. Юртбошимиз ташаббуслар билан кам таъминланган аҳоли қатламларига микро-молиявий хизматлар кўрсатиш, имтиёзли микрокредитлар беришнинг ҳуқуқий ва молиявий асосининг яратилиши янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларининг ошишини таъминламоқда. Шунинг учун партиямиз электротар вакилларининг иқтисодий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишга жиддий аҳамият берапти.

(Давоми 2-бетда.)

Дунё бўйлаб таралар, Шарқ таронаси!

Пойтахтимиздаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида 25-30 август кунлари Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивали олдида навбатдаги анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган I «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида 31 давлатдан вакиллар қатнашган. Ташкилотчиларнинг маълумот беришича, ҳозирнинг ўзида 62 давлат вакиллари VIII «Шарқ тароналари» фестивалида иштирок этиш истагини билдирган. Улар орасида Буркина Фасо, Чехия, Мадагаскар, Ирландия каби 10 та давлат вакиллари биринчи бор қатнашди.

Фестиваль географияси кенгайганлиги ва қатнашчилар сони ошганлиги «Шарқ тароналари»нинг ҳаётбахш-

лигидан, дунё микёсида нуфузи тобора юксалиб бораётганлигидан далolatдир.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, — деди Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Турсунали Қўзиёв, — инсоният олдидаги энг долзарб масалага — маданиятлараро мулоқотга хизмат қилади. Яъни, турли миллат вакиллари ўз санъатларини намойиш этишлари учун кенг, эркин майдон яратлади. Дарҳақиқат, фестиваль дунёдаги эзгу ғояларни, тинчликни тараннум этишга, нафақат миллий санъатимиз, Шарқ маданиятини, балки барча халқлар маданиятини

тарғиб этишга, юксалтиришга хизмат қилади.


— Хар сафаригидай фестиваль доирасида илмий-амалий конференция бўлиб ўтади, — деди Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Дилором Муродова. — Бу йилги анжуманимиз «Шарқ халқлари мусиқа маданияти манбашунослиги» мавзусида бўлади. Унга йигирмадан ортиқ давлатлардан олимлар, мусиқашунослар келиши кутилмоқда... Навбатдаги фестиваль мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик улуг байрами арафасида ўтаётгани унга янада катта руҳ, маъно-мазмун касб этади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган қўллаб саволларга жавоб олишди.

Асрорбек МҮМИНОВ



Ўзбекистонда туризм истиқболлари



Ўзбекистон азал-азалдан тарихий меъморий осори-атикалари, буюк мутафаккирлари ва алломалари билан жаҳон аҳлини ўзига жалб этиб келган. Аммо мамлакатимизда мустақиллик йилларидагина туризм соҳа сифатида тўлиқ шаклланди, жаҳон бозорига чиқди.

Бугун юртимизда сайёҳларга тарихий-маданий йўналишлардаги саёҳат турларидан тортиб экстремал ҳордиққача бўлган хизматлар тақдим этиляпти. Утган йили мамлакатимизга 1,3 миллион хорижий ташриф буюрган бўлса, уларнинг 410,5 минг нафари туристлардир — бу 2009 йилга нисбатан қарийб етти фоизга кўп. Ушбу кўрсаткичнинг йил сайин ўсаятиганининг ўзиёқ туризм инфратузилмасининг бугунги ҳолати, тез суъратлар билан ривожланаётганидан дарак беради. Айни кунда тизимдаги 750 дан ортиқ хусусий сектор корхоналарининг 450 га яқини туроператорлар, 300 дан ортиги меҳмонхоналардир. Инфратузилма таркибида меҳнат қилаётган одамлар «Ўзбектуризм» Миллий компанияси раҳбарлигида ва ҳамкорликда мамлакатимиз туризм соҳасининг қиёфасини яратмоқдалар. Уларнинг фаолиятига назар солиб, ўй-фикрлари, режалари билан танишсангиз, соҳа тарақиёти, келажаги кўз олдинда намоён бўлади.

⇒ 3

КОНЦЕПЦИЯ:

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш — долзарб масала

2-бет

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 26 IYULDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1866,21	1 Миср фунти	289,42	1 СДР	2767,75	10 Жанубий Корея вони	16,35
1 Англия фунт стерлинги	2810,62	1 Канада доллари	1813,44	1 Туркия лираси	1013,95	10 Япония иенаси	220,10
1 БАА дирҳами	469,64	1 Хитой юани	267,54	1 Швейцария франки	2123,00	1 Россия рубли	62,23
1 АҚШ доллари	1724,94	1 Малайзия ринггити	580,01	1 Евро	2447,42	1 Украина гривнаси	216,40

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.



КОНЦЕПЦИЯ: Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш — долзарб масала

Куватбой ҚУРБАНБАЕВ,

Ўзбекистон ХДП
Қорақалпоғистон
Республика кенгаши
раиси вазифасини
бажарувчи



«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган гоя ва қонунчилик ташаббуслари ўзаро уйғунлиги, муштараклиги ва ягона мақсадга қаратилгани билан қимматлидир.

Концепцияда, хусусан, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилашга алоҳида урғу берилган. Эътибор берилган, бу ташаббус амалга ошириши, яъни «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» қонун қабул қилиниши тизимни такомиллаштириб қолмай, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича маҳаллий ва давлат дастурлари ижроси устидан самарали жамоатчилик назорати ташкил этиш учун ҳуқуқий шарт-шароит яратилади. Шуниси аҳамиятлики, Концепцияда илгари сурилган бошқа қатор қонунчилик ташаббуслари ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлашида муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг борлиши бўйича етарли тасаввурга эга киши шунга қараб ҳаракат қилади, ўз иши, эртанги кун учун режа тўзди. Давлат бош-қош бўлаётган ислохотлар муваффақиятига қараб бўлмайди. Бу эса кучли фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шартидир. Шуниси аҳамиятлики, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» қонун лойиҳаси муккамал бўлиши, халқаро демократик андозаларга ҳар томонлама жавоб бериши керак. Қонун лойиҳасида, хусусан, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиби белгиланиши, ахборот олувчи, тарқатувчи ва фойдаланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзаро мос ва мувофиқ, аниқ ифода этилиши керак. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбар ва мутасаддилари қабул қилган қарорлар, айниқса, фуқаролик жамиятига ҳақ қилиш ҳуқуқий асос яра-

тилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу орқали кишилар ўзи яшаётган кўча, маҳалла ва туманда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлади. Бу эса аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолиги ошишига замин яратди, жойларда ва соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинади, муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий тақлифлар тўғилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши ҳуқуқий механизми белгиланиши мутасаддилар раҳбар ходимларнинг ҳалқ олдига жавобгарлигини кучайтиради, ўз ишига масъулият билан ёндашишга ундайди. Энг муҳими, ислохотларнинг бориши бўйича етарли тасаввурга эга киши шунга қараб ҳаракат қилади, ўз иши, эртанги кун учун режа тўзди. Давлат бош-қош бўлаётган ислохотлар муваффақиятига қараб бўлмайди. Бу эса кучли фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шартидир. Шуниси аҳамиятлики, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» қонун лойиҳаси муккамал бўлиши, халқаро демократик андозаларга ҳар томонлама жавоб бериши керак. Қонун лойиҳасида, хусусан, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиби белгиланиши, ахборот олувчи, тарқатувчи ва фойдаланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзаро мос ва мувофиқ, аниқ ифода этилиши керак. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбар ва мутасаддилари қабул қилган қарорлар, айниқса, фуқаролик жамиятига ҳақ қилиш ҳуқуқий асос яра-

роларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар жамоатчиликка тез, тушунарли ва асосли тарзда етиб борилиши таъминлаш, айни пайтда, уларнинг аҳамияти тўғрисида етарлича тушунча бериш мажбурияти бўйича меъёр киритилиши мақсадга мувофиқдир. Айрим маҳаллий ҳокимият органларидаги мутасадди раҳбарлар қонун ва ҳуқуқат қарорлари, давлат дастурлари ижросига совокқонлик билан ёндашиши учраб туради. Кичик бизнес субъектлари, деҳқон хўжалиқлари мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутаятган ҳозирги шароитда баъзи маҳаллий раҳбарлар уларнинг фаолиятини маъмурий буйруқбозлик асосида назорат қилишга уринаётгани, хизмат кўрсатувчи ташкилотлардаги айрим ходимларнинг қонуний интизом даражасида ишламаётгани бор гап. Бу каби иллатлар юзга келишида маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг ҳам айби бор, албатта. Агар сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари электрот манфаати билан боғлиқ масалаларда ташаббускор бўлса, тегишли туман ёки шаҳарда қилинаётган ишларни ўрганиб, атрофлича таҳлил қилса, юзга келган нуқсонларни бартараф этиш бўйича сессияларда амалий тақлиф айтса, қатъийлик курсатса, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ўзгариш, янгиланишлар юз беради. Шу орқали худудларда ижтимоий соҳа ривожланади. Натижда партиянинг дастурий мақсадларига эришиш учун янада қулай шароит юзга келади.

Концепция гояларини ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Шунинг учун партиянинг депутатлик гуруҳлари электрот манфаати устуворлигидан келиб чиқиб, ижтимоий ўткир масалаларни туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига киритиши, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланишига эришиши, бир сўз билан айтганда, фаолиятини кучайтириши давр талабидир. Шу мақсадда электротни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича мониторинг ўтказиш мақсадида экспертлик гуруҳлари ташкил қилинди. Мазкур гуруҳлар тегишли масалаларда худудларда доимий мониторинг олиб бораёпти. Маълум бўлишича, Қораўзақ, Чимбой, Хўжайли, Қонликўл, Қўнғирот ва Тўртқўл тумани, Нукус ва Тахтакош шаҳарларида тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушумини ошириш, аҳолини қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, иқтисодиётнинг реал тармоғи ҳисобланган қорхоналарнинг узлуксиз ишлашига эришиш каби масалаларда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Маҳаллий Кенгашлардаги партиянинг депутатлик гуруҳлари ҳозир бундан тегишли сессиялар муҳокамасига киритиш устида ишлаяпти. Сессияларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарали бўлишига хизмат қилади. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» қонун қабул қилиниши, бир сўз билан айтганда, ислохотлар самардорлиги ошишини таъминловчи мустаҳкам ҳуқуқий механизм яратиб беради.

Ўз донимиз, Ўз беминнат НОНИМИЗ...

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тасарруфимизда 124,6 гектар ер майдони бор. Ўтган йили кузда 44 гектар майдонга галла уруғи сепилган эди. Ҳар гектар ердан 88 центнердан дон йиғиштириб олиб, 387 тонналик хирмон кўтардик. Шўқри, Президентимиз ва халқимиз олдида юзими ёруғ бўлди. Мен барча сурхондарёлик галлакорлар номидан бизнинг камтарона меҳнатимизга юксак баҳо бергани учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдираман. **НИҒМОН САЛИМСОҚОВ,** Зангиота туманидаги «Шўқрат Зий» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП аъзоси: — Хўжалигимиз галлачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Бу йил салкам 44 гектар ерда галла етиштирдик, ҳосилдорлик 76 центнерни ташкил этди. Шартнома бўйича 175 тонна галла топширдик, 156 тонна эса хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Шундан 100 тоннасини 75 нафар фермер хўжалиги аъзосига тарқатдик. Биз асосий эътиборни хўжалигимизда меҳнат қилаётган одамларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратмоқдамиз. Ютуғимиз бош омили ҳам аввало, аҳилликда, одам-



ларимизнинг меҳнатга бўлган муносабатида. Президентимиз табригини телевизордан эшитаётганимизда бизнинг фермер хўжалигимиз номи алоҳида таъкидланганидан жуда гурурланамиз. Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилганимизда меҳнат қилаётган одамларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратмоқдамиз. Ютуғимиз бош омили ҳам аввало, аҳилликда, одам-

Темур АЪЗАМ эзиб олди.

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятдан



ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



Ташаббус бор жойда натижа бўлади

ЎзХДП Пахтачи туман Кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг партияимизга хайрихоҳ ташкилотлар билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйганимиз, — дейди туман партия Кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Исмаил Санаев. — Бу эса жойлардаги айрим камчиликларни, электрот вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича жамоатчилик тақлифларини ўрганиш имконини бераёпти. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти туман бўлими билан ҳамкорликда коммунал хизмат кўрсатиш сифати бўйича давра суҳбати ўтказилди. Унда юзга келаятган турли англашилмовчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, яқинда депутатлик гуруҳи ташаббуси ва бир қатор тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Иш излаб муружоат қилган 177 нафар фуқаронинг 147 нафари билан меҳнат шартномалари тузилди. Тумандаги касб-хунар коллежларини бу йил 2051 нафар йигит-қиз битирди. Уларнинг аксарияти ишга жойлаштириш бўйича шартнома тузган. Аммо таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, шартномаларнинг ҳаммасига ҳам амал қилинмаётди. Айрим иш бевурилиқлар меҳнатга оид қонунчилик талабларини тўла бажармаётди. Шу боис, тумандаги касб-хунар коллежи битирувчиларининг иш билан таъминлиши ҳолати доимий комиссия ййгилишларида кўриб чиқилди. Мониторинг натижалари умумлаштирилиб, туман Кенгашининг сессиясига шу масала киритилди. Айтиш жоизки, тумандаги маҳаллаларнинг аксариятида партияимиз бошланғич ташкилотлари

фаолият кўрсатади. Уларнинг ишини самарали йўлга қўйишга амалий кўмак бериш — муҳим масала. Аҳоли билан яқин ҳамкорлик қилиш депутатнинг ҳаётга чуқурроқ кириб боришига, кўпроқ амалий ташаббус кўрсатишига ёрдам беради. Шунинг учун депутатлик гуруҳи бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб келаётди. Бу эса ўз самарасини бераёпти. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш биздан жиддий масъулият талаб этади, — дейди Исмаил Санаев. — Бу йил ўз ишини бошламоқчи бўлган кишилар учун катта имконият берилапти. Бундан партияимиз электрот вакиллари умумий фойдаланиши керак. Депутат Абдуқалим Қудратов бу борада яхши ташаббус билан чиқди. У одамлар фикрини ўрганиб, «Зарафшон» маҳалласида санаот усулида парранда боқишни ташкил этишга бош-қош бўлди. Дастлаб шу йўналишда ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлган 36 нафар киши имтиёзли кредит олишида маслаҳат-кўмак берди. Олинган кредит ҳисобига 4 минг-тадан ортқ парранда биринчи қилинди. Бунинг натижасида бир нечта оила барқарор даромад манбаига эга бўлди. Санаот усулида парранда етиштириш тажрибаси «Ниёзжоби», «Мирзо Нодим», «Бўстон» маҳаллаларида ҳам оммалашди. Депутатлар ва бошланғич партия ташкилотлари раислари кўмагида имтиёзли кредитлар олинди. Ишни тўғри ташкил қилиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди. Давр сиёсий партиялардан кўпроқ амалий ишларни талаб этмоқда. Бунинг учун эса маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия ташкилотлари ва фаоллар ҳар қачонгидан ташаббускор бўлиши лозим. **Элмурод ЭҒАМҚУЛОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.


Даромад ва фаровонлик калити

(Давоми. Боши 1-бетда.) **Миродилла ЭШМАТОВ,** Марказий банк раиси ўринбосари: — Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида» қарориди кичик бизнес субъектлари учун муҳтими янада қулайлаштириш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган қонуний гоя ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш механизмининг янада такомиллаштириш, айни пайтда, кредит ҳажмининг оширишга алоҳида эътибор берилаёпти. Жорий йилда тижорат банклари томонидан тармоққа ажратиладиган кредит ҳажми камида 1,3 баробар кўпайтирилиши кутилаётди. Вилотияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига биринчи чорак давомиди молиялаштириш манбаалари ҳисобидан 35 миллиард сўм кредит, шундан 9,2 миллиард сўм миқдорда микрокредит ажратилди. 2269 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтди ва ўз ишини бошлади. **Иброҳим САЛИМОВ,** «Микрокредитбанк» ОАТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари: — Маълумотларга кўра, дунё бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг асосий қисми кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. «Микрокредитбанк» очик ақиддорлик тижорат банки асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратапти. Банкнинг филиаллари томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш, айниқса, олис туман ва қишлоқ-

ларда хотин-қизлар ва ёшларни соҳага кенг қилиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу йил тармоққа ажратиладиган кредит миқдори оширилди. Бунда асосий эътибор — янги иш ўринлари яратиш, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аёллар тадбиркорлигини, хусусан, қасаначиликни қўллаб-қувватлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик билан боғлиқ лойиҳаларини маблағ билан таъминлашга қаратилмоқда. **Жўрақўзи ҚўЛДОШЕВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Кичик бизнесга янада кенг йўл очиб учун оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қонун билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир фракцияимиз аъзолари бу борада жамоатчилик вакилларининг тақлифларини ўрганиб чиқаяпти. Ўз ишини ташкил этиш ниятидаги кишиларга қонуний имтиёз ва қафолатлар белгиланиши оилавий тадбиркорликнинг кенг ривожланишига имкон яратди. Шу боис фракцияимиз Концепцияда илгари сурилган, кичик бизнес ва тадбиркорлик билан боғлиқ қонунчилик ташаббуслари амалга ошириш жараёнида бунга алоҳида эътибор қаратади. **Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ,** Наманган вилоят партия кенгаши раиси: — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб бораётгани, соҳа раванқи учун қулай шарт-

шароит яратилаётгани тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш-тарғибот ишини кучайтириш — бизнинг вазифамиз. **«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш бўйича партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига кўра, Наманган, Чортоқ, Уйчи, Чўст ва Косонсой туманларида касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, янги қорхоналар ташкил этиш ҳисобига бандлик даражасини ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.** Шу ўринда айтиш ўринлики, партия фаоллари вилоятдаги маҳаллалар миқёсида Марказий банк ва тижорат банклари кўмагида кредит олиш, ўз ишини бошлаш ниятида юрган электрот вакилларини аниқлаш ишларини олиб борди. Вилотиянинг худудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури ҳамда янги иш ўринлари яратишининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, кам таъминланган аҳоли вакиллари, хусусан, уйда ўтирган хотин-қизлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари тақдим этган бизнес-лойиҳалар ўрганиб чиқилди. Истикболли деб топилган 60 та

лойиҳа эгасига имтиёзли кредит олиш бўйича тижорат банкларининг сертификатлари топширилди. **Ҳилола МАҲМУДОВА,** кичик қорхона раҳбари: — Ўтган йили касб-хунар коллежини тикувчилик йўналиши бўйича таъминлаб, ўз ишимни очдим. Бугун 10 миллион сўм кредит олиш бўйича сертификатга эга бўлдим. Жуда хурсандман. Энди бу маблағ эвазига тикув машиналари харид қилиб, яна 4 нафар кишини иш билан таъминлаш ниятим бор. **Соҳиббахон ЖАЛИЛОВА,** Чортоқ тумани «Чорсу» маҳалла фуқаролар ййгини фаоли: — Оиламиз аъзолари билан маҳалламиз худудда уй-ўрғор буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик цех ташкил этишни ният қилгандик. Шу режамиз амалга ошадиган бўлди. 20 миллион сўм кредит олиш бўйича сертификатга эга бўлдик. Агар ишимизни кутилганидек бошлаб оلسак, яна 5 киши ишли бўлади. Тадбир доирасида, шунингдек, оилавий тадбиркорлар, хунарманд, қасаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳамда тижорат банклари томонидан микромолиявий хизмат кўрсатиш бўйича услубий материаллар кўргазмалари ташкил қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари кўчма Жамоатчилик қабулхонасида фуқароларни қабул қилишди. Форум доирасида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди. **Хуршид ФАЙЗИЕВ,** Санжар ТУРСУНОВ.



Ўзбекистонда туризм истиқболлари

Мезбонлик масъулияти

1992 йил 27 июль. Президент Ислам Каримов Фармони билан «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ташкил этилган эди.

Мазкур компания зиммасига мамлакатимиздаги туристик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакатнинг меҳмонхона ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш ҳамда тармоқнинг ривожланиш пайдоровори бўлган туризм соҳасидаги меъёрий ҳуқуқий базани шакллантириш бўйича кенг қамлаб ишлар қилинди, — дейди «Ўзбектуризм» Миллий компанияси туризм фаолиятини мувофиқлаштириш ва лицензиялаш бошқармаси бошлиғи **Анвар Темирхужаев**. — 1993 йил мамлакатимиз Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (БТТ)га аъзо бўлди. 2004 йил эса Самарқандда трансминтақавий магистрал бўйлаб туризмнинг ривожини мувофиқлаштирувчи идора фаолият бошлади.

Ўзбекистон туризм бўйича халқаро ярмаркаларнинг доимий иштирокчисига айланди. Тошкентда ҳар йили ўтказилаётган «Ипак йўли бўйлаб туризм» халқаро ярмаркаси ўзбек туризмнинг ўзига хос қиёфасини намойиш этмоқда.

Етук ва малакали мутахассислар ҳар қандай соҳанинг ривожланиш омилидир туризм соҳасидаги кадрларнинг малакасини оширишда республика ўқув илмий консалтинг маркази муҳим ўрин тутди. Шунингдек, турли олий ўқув юрталарида, жумладан, Тошкент давлат иқтисодий университетиди, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш ҳамда Самарқанд иқтисодий ва сервис институтларида, Бухоро ва Урганч давлат университетларида, жойлардаги туризм коллежларида соҳа учун зарур бўлган олий ва ўрта махсус маълумотга эга кадрлар тайёрланмоқда.

Истиқболга Узбекистон дунёга истиқболли туристик йўналиш сифатида маълум эмас эди. Мустиқликка эришганимиздан кейин туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг янги тамойиллари татбиқи бугунги ютуқларимизга асос бўлди. Бугун олимизда мамлакатимизнинг туризм салохиятидан тўлиқ фойдаланишда ўта масъулиятли вазифа турибди. Айни кунда компаниямизда «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири бўйича тақлифлар тайёрлаш ва мамлакатнинг табиий-иклим, маданий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда туризм ва меҳмонхона инфратузилмасига доир миллий стандартлар ишлаб чиқиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида ҳамкорлари бор

«Жасмина» туристик агентлиги раҳбари **Саидхон Раубаев** ҳикоя қилишича, у янги иш бошлаган 1996 йилда Ўзбекистоннинг туризм бозорида бор йўли ўн-ўн беш туроператор

тор фаолият кўрсатар эди. Саидхон Раубаевнинг кам бўлган ўша даврдан кўра ҳозир ишлаш яхшироқ, қизиқарлироқ эканини таъкидлайди.

— Ушанда чет элдан бирон ҳамкор топиш, шартнома тузиш амри маҳол эди, — эслайди у. — Туризм инфратузилмаси ҳали шаклланмагани учун топган мижозларимиз талабларини бажаришда муаммоларга дуч келардик.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги туроператорларнинг кучли ўнталлиги қирадиган «Жасмина»нинг раҳбари эришилган муваффақиятлар омилини санади:

— Энг аввало Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий салохияти бутун дунёда қизиқиш уйғотди. Хусусан тадбиркорликни ривожлантиришга давлатимиз томонидан берилган юксак эътибор туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган хусусий секторда ҳам ўз самарасини кўрсатди. Айни кунда ягона солиқ тўлаймиз. Валюта тушувлари умумий маблағ айланмасининг 60 фоизидан кам бўлмаган тақдирда бериладиган солиқ имтиёзларига эгамиз.

Бугун «Жасмина» дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатларида ҳамкорларга, транспорт корхонасига, бир неча туристик базаларга эга.

Мамлакатимиз азал-азалдан ўзининг тарихий-меъморий ёдгорликлари билан машҳур. Айни пайтда бозор туризмнинг янги турлари бўйича хизматлар тақлиф этишни талаб қилляпти.

— Фирмаимиз орқали бизга келаятган туристларнинг асосий қисмини кўшн давлатларнинг даволаниш истагидаги фуқаролари ташкил этади, — дейди Саидхон Раубаев. — Шифо ва дам олиш масканларимизнинг Европа стандартлари даражасида ихтиёжлангани, тиббиёт соҳасидаги малакали мутахассисларимизнинг довуруғи уларни юртимизга чорляпти.

Халқаро туристик ярмаркалардаги иштирокимиз ва интернет орқали ўз махсулотимиз рекламасини яхши йўлга қўйганимиз тўғрисида ҳамкорларимиз сони йилдан-йилга ошапти.

Қизилқумдаги ўтовларда бир неча кун яшаш, чўл хавосидан баҳраманд бўлиш, шифобахш гиёҳларни териш ва ретро-УАЗ-сафари йўналишидаги марокли саёхат барча сафар иштиқомини қизиқтиради.

Сўхбатдошимизнинг фикрларидан янги майдонлар ва янги ҳамкорларни истаётгани яққол сезилиб туради.

— Биласизми, ҳали мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги катта имкониятларидан тўла фойдалана олмаيمиз. — Мамлакат ривожига ва туризм бир-бирига бевосита боғлиқ — юртимиз тинч ва фаровон бўлса, сайёҳатчилар талабига жавоб берадиган инфратузилма ишлаб турса сайёҳлар оқиб келавероди. Айни пайтда туризм ривожига мамлакатга инвесторларни чорлайдиган муҳим омиллардан биридир.

Сўхбатдошимиз соҳани такомиллаштиришга оид тақлиф мулоҳазаларини ҳам билдиради:

— Бутун жаҳонда қўлланилаётган туроператор ва турагентлар ваколатини тартибга солиш вақти ҳам келди, назаримда. Айни кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган барча туристик фирмалар дунё миқёсига чиқа олади. Натижада барча чет эллик ҳамкорлардан хизматларни чакана нархларда сотиб оляпти. Бу ҳуқуқни фақат иқтисодий салохияти етарли бўлган, жаҳонда Ўзбекистон имижини тақдим қила оладиган фирмаларга бериб, уларни туроператор,

яъни хизматларни улгуржи нархларда сотиб олувчи сифатида белги-ланса, бу турагентларга, яъни туризм бозорига хизматни чакана тақлиф қилувчиларга ҳам, мижозларга ҳам, мамлакатимизда туризмнинг ривожланишига ҳам сезиларли туртки бўларди.

Бу тизимни жорий этиш мижозларга нима беришини билишга қизиқдик.

— Аввало сайёҳатингиз арзонлашди. Ҳозир юзлаб фирмалар майда-лаб сотиб олаётган махсулотни бир неча ўн фирма кўтара нархда олгандан кейин нарх албатта тушади.

Саидхон Раубаев Ўзбекистон туризмнинг яқин йиллардаги қиёфасини қуйидагича тасаввур қилади: сайёҳларни атлас қўйлаб, дўппи ва яктаб кийган гидлар кўтиб олади. Аэропорт ва темир йўл вокзалларида хайдовчилар чет элликларга инглиз тилида «Хуш келибсиз. Хизматингизга тайёримиз» деб мурожаат қилишади...

— Бу кимгадир арзимас бўлиб туялиши мумкин. Аслида ҳамма нарса мана шу биринчи қадамлардан бошланади, — дейди сўхбатдошимиз.

Навоий газалини ўзбек тилида ўқиб берсангиз

Олий тоифали гид **Дилбар Абдунабиева** бу соҳада ўттиз йилдан бунён ишлайди. Унинг таъкидлашича мустиқлик йилларида фаолиятининг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгарди.

— Аввало ўзим ўзгардим, — дейди Дилбар. — Чет эллик сайёҳларга юртимизни шунчаки кўрсатиб, шунчаки ҳикоя қилиб бермаман. Балки юртимдан фахрланишимни мулоқотларимга сингдираман.

Сайёҳларнинг мақсадлари, қизиқишлари, характерлари турфа хил. Кўпгина мамлакатимизга биринчи бор келганлар ҳайратани яшира олмайдди. Замонавий, банд бинолардан, бизда машина ишлаб чиқарилаётганидан, халқимизнинг эшик тақиллатган одани кимсан, деб сўроққа тутмай, хуш келибсиз, деб кўтиб олишларидан ҳайрон бўлишди.

Яқинда бундан ўттиз йил муқаддам Россиядан Исроилга қўчиб кетган эр-хотинни олиб юрдим. Олдин Ўзбекистонга келишмаган экан. Мустиқлик йилларидаги ўзгаришлар тўғрисида эшитиб, сафар қилишни хоҳлашди.

— Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган ўзбекча мақолнинг моҳиятини энди тушундик, — дейишди улар ўн кунлик сафар охирида. — Танишларимиз орасида Ўзбекистонни, ислом маданияти пойтахти номини олган Тошкентни, Самарқанд, Бухоро, Урганч шаҳарларини кўриш иштиқидигилар жуда кўп. Эшитганимиз билан мамлакатимизнинг мустиқлик йилларидаги ривожини, сервис даражаси бунчалик юқори деб ўйламагандик.

Қозғонгонлик беш нафар қизнинг саёхат режасидан юртимиздаги муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиш ўрин олган экан. Ишқилиб кимдир зиёрат қилгани, бошқаси тарихий обидаларни кўргани, яна бири эса бугунги Ўзбекистонни яқиндан билиш учун юртимизга келмоқда.

Бир сафар чет эллик меҳмонлар гуруҳига Алишер Навоий хайкали пойида улғу мутафаккир шоиримизнинг ҳаёти, ижоди ҳақида ҳикоя қилиб бераман экан, унинг газалидан ўқиб бермоқчи бўлди. Гуруҳ билан мулоқот рус тилида олиб борилаётгани учун, табиийки, газалининг ҳам шу тилдаги таржимасини ўқиди. Шунда сайёҳлардан бири илтимос,

асарни ўзбек тилида ўқиб берсангиз, деб қолди.

Дилбар эса газалини ўзбек тилида айта бошлади.

— Раҳмат сизга, — деди бояги сайёҳ. — Мен Навоий газалларини олдин ҳам ўзбекчада эшитганман, бу тилни тушунмаганим билан сўзлар сеҳри, ритми қўшиқдек таъсир қилади, маъносини англагандек бўламан.

Сайёҳлар жуда қизиқувчан бўлишади. Йўлбошловчидан аниқ, чуқур маълумот олишни истайдилар. Бу эса гидларни ўз устида тинмай ишлашга, янгиликлардан, мамлакатдаги ислохотлардан бохабар бўлишга ундайди.

— Шундагина меҳмонларга Ўзбекистонни бор бўйи билан кўрсата оламиз, уларнинг юртимизга ҳурмат-эътиборини оширамиз, — дейди Дилбар.

Назария ва амалиёт уйғунлашса...

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг доценти **Муроджон Мирзаев** талабаларига туризм асосларидан сабоқ беришни бошлаб экан, биринчи машғулотда битта маълумотни албатта айтиб ўтди. Туризм даромад келтириши хижатидан нефть ва автомобиль соноатидан кейин учинчи ўринда туради. Нефть соноати табиий ресурсларга боғлиқ, автомобиль соноати эса ишлаб чиқаришга кирди, туризм хизматларини кўрсатишни қамраб олган туризмнинг улар билан бир қаторда туриш сабабларини ҳам тушунтиради.

Айтиялик, сайёҳ ўзи бормоқчи бўлган бирон мамлакат ҳақида маълумотни интернетдан олади — бу провайдер учун иш дегани. Сайёҳ самолётда ёки поездда келадди, автомобильда юради — транспорт соҳаси учун иш ва даромад дегани. Меҳмонхонага кўнади, гид ва таржимонлар хизматидан фойдаланади... Бу йўналишда яна қанча қўшимча хизматларни санаб мумкин.

У ишлаётган факультетнинг очилганига энди ўн икки йил бўлди. Шу даврда учирма бўлган мутахассислар бугун мамлакатимизнинг туризм соноати соҳасида меҳнат қилишяпти.

— Етук мутахассис бўлгани, бир неча тилни мукамал билгани учун битирувчиларимизни ишга олишга талабгорлар кўп, — дейди қўлиб домла.

Ўзбек тилидаги «Туризм асослари» қўлланмаси муаллифи Муроджон Мирзаев бундан беш-олти йил муқаддам ҳовли типидидаги меҳмонхона очиб, лицензия олиб фаолият юрита бошлаганди. Бир тарафи ўзининг амалий билимларини мустаҳкамлаш, янгиликлар билан бойитиш, иккинчи тарафдан оила аъзоларини иш билан таъминлаш ниятида шу ишга қўл урган эди. Ўтган озгина муддат ичида бу кичик бизнеси оиласининг барқарор давромуд манбаига айланди, ҳозир уни кенгайтириш ниятида.

Халқимиз урф-одатларини яқинроқдан билиш, миллий қадриятларимизни ўрганиш истагидаги сайёҳлар йўриқ замонавий меҳмонхоналарда эмас, бугунги кунда барча катта шаҳарларимизда мавжуд ҳовли типидидаги ана шундай меҳмонхоналарда яшайди.

Хусусий меҳмонхона ўз мижозларига тақлиф қиладиган 32 тур йўналиши эса қадимий шаҳарларимиз, тарихий қадимжолар ва экологик ҳудудларга мароқли сафарларни ўз ичига олади. Муроджон Мирзаев ўзи тарихчи эмасми, меҳмонлари билан биргаликдаги намуна устида ҳам, оқшомги суҳбатлар чоғида ҳам тарихимиз, буюк алломаларимиз ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Беруний, Хоразмий, Мотуридий, Замаҳшарийларнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссалари ҳақида эшит-

ган чет элликлар бир заминдан шунча алломалар чиққанми, деб ҳайрон қолишади.

Америкалик Бродли эса Амир Темур шахсига жуда қизиқиб қолди. Ўзбек тилини ўрганган бу бизнесмен юртига қайтиб кетар экан, кўнглига туккан ниятини айтди: «Ўғлим бўлса исминини Темур қўяман».

Ўз меҳмонхонасини юритиш жараёнида Муроджон Мирзаев мамлакатимизда туризмни янада ривожлантиришга оид хулосалар, тавсияларга ҳам эга бўлди. Унинг кузатишича, келаятган сайёҳлар асосан Ўзбекистонга саёхат қилган танишининг маълумотларидан кейин бизга қизиқиб қолар экан. Битта америкалик эса телевидениеда намойиш этилган кўрсатувда тарихий ёдгорликларимиз ҳақидаги маълумотни илбаб қолган экан, шу унинг саёҳатига туртки бўлибди.

— Мамлакатимиз туризм ресурсларига жуда бой, ишлашимиз учун барча шароитлар яратилган. Соҳа эса чуқур илмий асосда ишлашни талаб этади. Мавжуд ресурслардан умумий фойдаланиш учун рекламани кенг йўлга қўйишимиз, Ўзбекистон тарихи ва бугунги, урф-одатларимиз ҳақида ҳужжатли фильмлар, буклетлар, йўл кўрсаткичлар яратишимиз, бутун дунёга тарқатишимиз керак, — дейди Муроджон Мирзаев.

Бундай ҳаракатларнинг натижасини эса яна ўзининг «MIRZO Guest house» меҳмонхонаси мисолида кўрсатади. Ўзларнинг веб сайтига кирган бутун дунёдан мурожаат қиладиган мижозлар билан интернет орқали мулоқот ўрнатиб, яратиладиган шарт-шароитлар, кундаги таомнома, нарх-наволар ҳақида келишилгандан кейингина жой банд қилишади. Сайёҳлар кўпинча қўлларини, немис, француз, испан ва япон тилларида ҳар уч йилда наشر қилинадиган меҳмонхоналар кўрсаткичи билан кириб келишади. Тошкентнинг эски шаҳар қисми — Сағбонда жойлашган кичкинагина «MIRZO Guest house» ҳам ана шу кўрсаткичдан ўрин олган.

«Ўзбек бўлиб яшаш менга ёқиб қолди»

Оқ сариқдан келган, мовий қўзали поляк йигити **Карол Войчехович** соф ўзбек тилида, соф ўзбекча мулоқат билан сиздан олдин «Ассалому алайкум» деганида дафъатан шошиб қолишингиз мумкин. Ахир ҳозиргина қайси тилда гаплашамиз, деб ўйлаб тургандингиз.

У «MIRZO Guest house»да бундан икки йил олдин ҳам яшаган экан. Ушанда Карол Ўзбекистон Миллий университетидида ўзбек тилини ўрганган. Бухоро университетидида билимларини янада мустаҳкамлашга келган Карол тўрт ой давомида нафақат ўзбек тилини, балки халқимизнинг урф-одатларини ҳам билиб олган эди.

— Ўзбек ҳовлисида, ўзбек бўлиб яшаш менга ёқиб қолди, бу ишим учун ҳам фойдали, — дейди Карол.

Шу кунларда у «Ўзбекча-полякча, полякча-ўзбекча» лугат яратиш устида ишлаяпти. Лугат беш минг сўздан иборат бўлади. Унга ўзбек тили грамматикаси асосларидан маълумотлар жойлаштирилади.

Миллий қадриятларимиз, аъналаримизнинг уни ҳайрон қолдирган жиҳатлари ҳақида ҳавас билан гапирари.

— Чой, нон биз учун шунчаки ичимлик ва таом, — дейди Карол. — Сизда эса чой дамлаб қуйиб беришингиз, нон ушатишингиз ўзига

хос томонлари бор экан. Нон эъзозланган юртингизда. Кексалар ҳам жуда кадрлар экан, — дейди яна Карол. — Аждодларимизда шундай аъналар бўлган, аммо ҳозир бу унутилиб кетди. Кексаларга ҳурмат кўрсатишга вақт тополмаймиз. Миллий қийимларимизни эса фақат музейларда кўриш мумкин. Кўча-кўйда миллий либосдаги йигит-қизларни кўриб ҳавасим келди. Аъна ва тарихингизни эъзозлашингиз, ўрганишингиз ибратга лойик.

Ўзбекистонда цивилизациянинг ривожланиши билан бирга қадимий қадриятларнинг уйғунлигини фантастика, деб изоҳлайди Карол.

— Бухорода айлиниб юганимда кўчада танишларимиз билан бирга қадимий қадриятларнинг уйғунлигини фантастика, деб изоҳлайди Карол.

— Бухорода айлиниб юганимда кўчада танишларимиз билан бирга қадимий қадриятларнинг уйғунлигини фантастика, деб изоҳлайди Карол.

— Бухорода айлиниб юганимда кўчада танишларимиз билан бирга қадимий қадриятларнинг уйғунлигини фантастика, деб изоҳлайди Карол.

Польшада ҳам ҳаёт тинч-осойишта, лекин энди танишган одамлар ҳеч қачон бир-бирини уйига тақлиф қилмайди. Ўзбекистонда кўрганларимни айтиб берганимда ишонмайдилар, айрим танишларим эса саёхатга чиқиб, бунга юз кўзлари билан кўришга қарор қилишди.

Сўхбатдошимнинг ҳамроҳи — тарих ўқитувчиси **Юстина Белинг** ҳам Россияга саёхати давомида ўзбеклар билан танишган, уларнинг муомаладага лутфи, дунёқарашидан таъсирланиб, Ўзбекистонга сафар қилишни кўнглига туғиб қўйган эди.

— Мени Фарбдан кўра Шарк тилини кўришга, — дейди Юстина. — Сафарим давомида тарихий обидаларни, қадимжоларни томоша қилишни режалаштирганман.

Карол Ўзбекистондан олган таассуротларини ўзбек тилида баён қилишда давом этади:

— Айниқса, тўйларингиз мени лол қолдирди. Бизда юз одам келган тўй дабдабали ҳисобланади. Беш юзлаб одамга ош тортар эканларини. Пулни қаердан оласиз, дея, — ҳазиллашади у. — Сизга ҳавасим келади. Сиз роҳат-роҳат яшайсиз.

Карол жуда роҳатда яшайсиз, демокчи эди шекилли.

Каролнинг гапига қараганда бугунги кунда польшалик бизнесменлар ва саёҳатчиларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ушбу лугат мана шу мақсадларга хизмат қилади.

— Биринчи бор яратилаётган бу лугат икки мамлакат орасидаги муносабатларнинг ривожига ва польшалик сайёҳларга озгина бўлса-да ёрдам беради деган умиддаман, — дейди Карол Войчехович.

Ўзбекистонда туризм истиқболлари жуда кенг эканлигини бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Тахлиллар шуни кўрсатадики, аввало, туристлар тинч мамлакатга интилишади. Шунингдек, туристлар қадимий тарихга эга бўлган юртини кўриш истагида. Ва туристлар самимий, қадриятларини қадрлаб келаятган одамларнинг ҳаётини билишга қизиқари.

Бу Ўзбекистон. Бу Ўзбеклар. **Фаррух ҲАМРОЕВ, Шарофат ЙҮЛДШЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.**



Хориж

Ёнилгининг қимматлашуви

Велосипедда юришга мажбур этди

Немис федерал полицияси («BPO») хизмат манзилларида автомобилларда патруллик қиларди.

Эндиликда автомобилларни ёниги билан таъминлашда танқислик, аникроги, бензин нархи қимматлашгани учун бюджет етишмовчилиги юзага келмоқда, дея хабар беради немис полицияси касабаси уюшмаси («GdP») вакили Йозеф Шойринг тарқатган манбаларга асосланиб «Welt» нашри. Бу эса кейинги пайтда патруллик ҳудудлари қисқаришига олиб келди. Патруллик ҳудудларининг қисқаришига эса йўл қўйиб бўлмайди. Шу боис федерал полиция ўз вакилларини велосипед билан оммавий таъминлашга қарор қилди.



Эндиликда полиция велосипедда патрулликни амалга оширади. И. Шойрингнинг айтишича, полицияда бундай вазият кейинги 40 йилда илк бор юз бериши.

Героинга қарши вакцина

Яхши натижа беришига ишонилмоқда

АҚШдаги Скриппс институтининг бир гуруҳ олимлари гиёҳвандлик исканжасининг олдини олиш учун махсус вакцина яратдилар.



Тадқиқотчи муаллифлар етакчиси Ким Янданинг «Journal of Medicinal Chemistry» журнали мухбирига берган интервьюсида қайд этишича, 25 йиллик изланишлар бесамар кетмади. Ҳали бундай кучли вакцина яратилмаган. Бу эмлаш вазирлиги гиёҳвандлик балосига гирифторм бўлган беморларга бу балодан қутулишлари учун катта ёрдам беради.

Аввалроқ никотин ва кокаинга қарши вакцина яратилган. Ҳозир бу воситалар клиник тажриба синовидан ўтказилмоқда.

Героинга қарши вакцина яратиш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар эса узоқ йиллар бесамар кетди. Бироқ, олимлар изланишда давом этавердилар ва ниҳоят муваффақиятга эришдилар.

Вакцина каламушларда сынаб кўрилди. Натижаси ёмон эмас.

АҚШ ихтиёридаги космик кемалар

«истеъфо»га чиқди

АҚШнинг кўп бора фойдаланиладиган шаттл русумидаги космик кемаларидан бўлиши «Atlantis» коинотдаги 13 кечакундузлик парвоздан сўнг 4 нафар астронавт билан Ерга қайтиб тушди.

Космик кема ўзининг ўттиз учинчи, яъни охири парвозини муваффақиятли якунлади. Шу билан АҚШнинг 1981 йилдан бери амалга ошириб келинаётган «Space Shuttle» дастури бўйича парвозларда иштирок этган, кўп бора фойдаланиладиган барча «челнок»лари фаолиятига хотима ясалди. Яъни «Atlantis»дан ташқари «Columbia», «Challenger», «Discovery», «Endeavour» космик кемалари ҳам ўз фаолиятларига якун ясаган. Улар, дейилади «Reuters» АА хабарида, 1981 йилдан фаолиятининг охири давригача 135 марта парвозларни амалга оширган.



лаштирилган ва миссияси тугагач, станциядан ажралиб, Ерга қайтган.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Atlantis» ўзининг охири парвозини 8 июлда бажарган, яъни коинотта парвоз этиб, Халқаро космик станцияга 3,9 тонна юк ва кўп мақсадли «Raffaello» модулини ҳамда сунъий йўлдошлар тажриба-синов тизимларини олиб чиққан. 19 июлда эса Халқаро космик станциядан ажралган ва Ерга қайтган.

Дарвоқе, энди АҚШда самога парвоз этадиган ракета қолмади. Ҳўш, ундай бўлса, коинотни ўзлаштириш бўйича халқаро дастурларда АҚШ қатнаша олмайдими, деган савол кўнглингиздан ўтаётган бўлиши табиий.

«Интерфакс» АА хабар беришича, эндиликда АҚШ ва бошқа хорижий мамлакатлар астронавтилари Россиянинг «Союз» ракетаси ёрдамида Халқаро космик станцияга парвозларини амалга оширадилар. АҚШнинг «NASA» ва Россиянинг «Роскосмос» агентлиги ўртасида айнан шу мақсадни назарда тутувчи халқаро шартномалар имзоланди. Бу Россия зиммасига халқаро орбита миссиясига хизмат кўрсатишдек ўта жиддий ва фавақулда масъулиятли вазифани юклайди. Бу халқаро шартнома 2016 йилгача амалда бўлади.

Манбаларга қараганда, АҚШ ихтиёрида 2014-2015 йиллардагина янги тижорат космик кемаси пайдо бўлади. «NASA» учун «Lockheed Martin» компанияси томонидан «Orion» космик аппарати базисидан ишлаб чиқилаётган кўп мақсадли учувчи кема эса 2016 йилдан кейин фойдаланишга топширилади.

Манбалар асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

Спорт

Ўзбекистон — Қирғизистон — 4:0

Осиё қитъасида футбол бўйича 2014 йилда Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақасининг иккинчи босқич ўйинлари бошланди.



Мамлакатимиз миллий терма жамоаси Тошкентда қирғизистонлик футболчиларни қабул қилди. Ўйин ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида бошланган бўлса-да, рақиблар дарвозасига гол киритилишини ярим соат кутишимизга тўғри келди.

Ҳужумчимиз Александр Гейнрих чиройли тарзда дастлабки голни киритди. Учрашувнинг иккинчи бўлимида Марат Бикмаев, Сервер Жепаров ва Улуғбек Бақоев гол киритишиб, ҳисобнинг йирик кўриниш олишини таъминлашди — 4:0.

Ўйинлари натижалари билан танишинг: Хитой — Лаос — 7:2, Таиланд — Фаластин — 1:0, Сингапур — Малайзия — 5:3, Туркменистон — Индонезия — 1:1, Ливан — Бангладеш — 4:0, Эрон — Мальдив ороллари — 4:0, Уммон — Мьянма — 2:0, Ироқ — Яман — 2:0, Иордания — Непал — 9:0, Сурия — Тожикистон — 2:1, БАА — Хиндистон — 3:0, Қатар — Вьетнам — 3:0, Қувайт — Филиппин — 3:0, Саудия Арабистони — Гонконг — 3:0. (Ўз мухбиримиз).

«Ёзги таътил — 2011»

ОРОМГОҲДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ



Ҳамшира НОРКЕБИТОВ (ЎЗА) олган сурат

Шахрисабз туманидаги «Лочин» оромгоҳида «Келажак овози-2011» ёзги ўқув машғулотлари ташкил қилинди.

Икки ҳафта давомиди ёшлар тадбиркорлик ва бизнес, журналистика, таржимонлик каби йўналишларда малакали тренерлар ва хорижлик етакчи мутахассислар кўмагида билим ва кўникмаларини оширди. Бундан ташқари, бизнес лойиҳалар тақдими, турли мавзуларда дебатлар ҳамда бизнес-форумлар ўтказилди.

Реклама ва эълонлар

Государственное унитарное предприятие

«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет о продлении срока тендера на приобретение химического антигололедного реагента гранулированного.

Предмет тендера: приобретение химического антигололедного реагента гранулированного, в количестве 128 тонн (два вагона).

Максимальный срок поставки: 90 дней. Прием заявок на участие в тендере будет осуществляться до 15 августа 2011 г. включительно.

Тендер продлевается: с 16.08.2011г. по 26.08.2011г. включительно.

В тендере могут принять участие отечественные компании, действующие на рынке Республики Узбекистан не менее 3-х лет, а также иностранные компании и организации любой формы собственности.

Приветствуется наличие сертификатов. Заявки на тендер принимаются по адресу: Узбекистан, ГСП 100167, г.Ташкент, ул. С. Толипова, 13.

Тендерная комиссия, 1-ЗДА аэропорта. Телефон/факс: 140-28-48. Контактное лицо: инженер Геннадий Гостенин

(+99897) 710-22-53 (моб). E-mail: Omts.tas@UZAIRWAYS.COM. Инструкция участника тендера выдается только по поданной заявке в письменной форме.

Претенденты, желающие принять участие в тендере, могут получить тендерную документацию, которая предоставляется каждому претенденту бесплатно. Контрактные условия платежа указаны в «Инструкции к тендерным документам».



Термизда аёллар спорт фестивали якунланди

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида ўтказилган олтинчи аёллар спорт фестивали юртимизда хотин-қизлар спортига жуда катта эътибор берилганлигини кўрсатади.

Биринчи фестивалнинг саралаш мусобақаларида атиги 20 минг нафардан зиёд аёл қатнашганди, олтинчи фестиваль саралаш мусобақаларида эса 70 минг нафардан ортиқ аёллар республика босқичига йўланма олиш учун баҳсларга киришди.

Мамлакатимиз барча ҳудудий бирликларидан келган 300 нафарга яқин хотин-қизлар спортнинг етти тури (гимнастрада, волейбол, энгил атлетика, сузиш, стол теннис, шохмот, дартс) бўйича голиблик учун курашди. Фестивалга мезбон спортчилар жиддий ҳозирлик кўргани сезилиб турди. Айниқса, уларларнинг тошкентлик волейболчилардан устун келгани кўпчилигининг эътиборини тортиди.

Аёллар спорт фестивали натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти вакиллари биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент шаҳри спортчи-аёллари учинчи ўринни эгаллашди.

Уругвай — Америка чемпиони

Аргентинада 43-бор ташкил этилган Америка кубоги (COPA AMERIKA) мусобақалари ниҳоясига етди. Унда Уругвай футболчилари ғалаба қозонишди.

Американинг 12 давлати терма жамоалари 3 гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақаларга киришди. Гуруҳ баҳсларидаги қутилмаган натижалар мутахассису мухлисларни шошириб қўйди. Чорак финалда эса улардан-да ажабланарли натижалар қайд этилди: Колумбия — Перу — 0:0 (қўшимча вақтда — 0:2), Аргентина — Уругвай — 1:1 (пенальтилар бўйича — 4:5), Бразилия — Парагвай — 0:0 (пенальтилар бўйича — 0:2), Чили — Венесуэла — 1:2. Шу тарихда Америка кубогининг 14 карра голиби Аргентина, 8 карра голиби Бразилия мусобақадан чиқиб кетди.

Ярим финал ўйинлари ҳам қизиқarli кечди: Перу — Уругвай — 0:2, Парагвай — Венесуэла — 0:0 (пенальтилар бўйича — 5:3). Учинчи ўрин учун кечган учрашувда перуликлар венесуэлаликлардан устун келиб (4:1), бронза медали билан тақдирланди. Финалда уругвайликлар парагвайликларни мағлубиятга учратди — 3:0. Бу Уругвай терма жамоасининг Америка кубокларидаги 15-ғалабаси бўлди.

Гулжаҳон ЎЛМАСОВА

ОБ-ҲАВО	26-27.07. 2011	
	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 40°C	☀️ 42°C
Самарқанд	☀️ 37°C	☀️ 42°C
Нукус	☀️ 33°C	☀️ 38°C
Қарши	☀️ 39°C	☀️ 44°C
Урганч	☀️ 33°C	☀️ 38°C
Навоий	☀️ 39°C	☀️ 44°C
Фарғона	☀️ 35°C	☀️ 40°C
Бухоро	☀️ 39°C	☀️ 44°C
Андижон	☀️ 35°C	☀️ 40°C
Наманган	☀️ 35°C	☀️ 40°C
Термиз	☀️ 39°C	☀️ 44°C
Жиззах	☀️ 37°C	☀️ 42°C
Гулистон	☀️ 37°C	☀️ 42°C
Тошкент вил.	☀️ 37°C	☀️ 42°C
Лондон	☁️ 23°C	☁️ 19°C
Париж	☁️ 22°C	☁️ 29°C
Москва	☁️ 27°C	☁️ 29°C
Мадрид	☁️ 33°C	☁️ 28°C
Пекин	☁️ 32°C	☁️ 32°C
Гонгконг	☁️ 31°C	☁️ 29°C
Рим	☁️ 31°C	☁️ 31°C
Анкара	☁️ 32°C	☁️ 32°C
Токио	☁️ 33°C	☁️ 33°C
Стокгольм	☁️ 22°C	☁️ 20°C
Кейптаун	☁️ 17°C	☁️ 23°C
Қоҳира	☁️ 34°C	☁️ 35°C
Гавана	☁️ 32°C	☁️ 32°C
Вашингтон	☁️ 36°C	☁️ 35°C

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- | | | |
|----------------------|-----------------------------|----------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Muslihdin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV | Tat'yana KISTANOVA | Ochilbov RAMATOV |
| Bobir ALIMOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | G'affor HOTAMOV | |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | |

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'ribiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746 11278 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 O'zA yakuni — 21.55 Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

